# ШАРТНОМА № 28477

22 06 2022 йил                                                                 Узбекистон туман Яйпан ш

Ушбу шартнома бир тарафдан келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб номланувчи:**Ободонлаштириш бошкармаси** Рахбари **Ф Муратов** изомига асосан фаолият олиб борувчи ва иккинчи томондан «ИШ БАЖАРУВЧИ» деб номланувчи Узбекистон туман Дезинфекция станцияси ва унинг бош врачи: **А Отакулов** Узбекистон Республикаси конунчилиги ва амалдаги Уставига асосан фаолият курсатувчи куйидагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

## 1. Шартноманинг мазмуни ва хажми

**1.1.** "Буюртмачи" дезинфекция, дезинсекция,ва дератизация ишларини олиб боришни « Иш бажарувчи»га топширади. Иш бажарувчи топширилган ишларни уз зиммасига олади.

| № | Ишларнинг турлари | Улчов бирлиги | Иш хажми ($M_2$) | | Нархи (сум)(1м2) | Йиллик тулов суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Физик майдон | Оператив майдон | | |
| 1 | Дезинфекция | М2 | 5000*9 | 45000 | 53,66 | 2414700 |
| 2 | Дезинсекция | М2 | 5000*9 | 45000 | 53,66 | 2414700 |
| 3 | Дератизация | М2 | 1730*9 | 155700 | 26,70 | 4157190 |
| 4 | | | | | | |
| 5 | | | | | | |
| | ЖАМИ: | | | | | 8986590 |

Шартноманинг умумий бахоси:**Саккиз миллион туккиз юз саксон олти минг беш юз туксон** сум

(Раќамлар ёзувлар билан)

**1,2.** " Иш бажарувчи " Кабристон худудидаги хонака ва ховлиларни санитария курилмаларини худуднинг бинолар курилмаган кисмини ишлов бериш тартиби ва мухлатини белгилайди.

**1.3.** " Буюртмачи " хашоратлар ва кемирувчиларга карши курашиш шартномасига барча курилма майдонларни умумий фойдаланадиган асосий майдондан ташкари кушимча ер майдонларни факат техник холат хизмати курсатиш бюроси (БТИ) томондан берилган техник паспорт асосида белгилайди.

## 2."ШАРТНОМА КИЙМАТИ ВА ТУЛОВ ТАРТИБИ.

**2.1** Шартноманинг умумий кийматн 8986590 сумни ташкил этади.

**2.2** Тулов хисобидан накд пул ёки пул утказиш йули билан , айрим холатларда эса икки томоннинг келишувига асосан эхтиёж моллар билан туловни амалга оширадилар.

**2.3** Тулов олдиндан бажарилаётган иш хажмининг 30% микдорида утказиб берилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРЯТЛАРИ

**" Буюртмачи ".**

3.1 Ишлов берилаётган обектларни барча техник хавфсизлиги чораларига амал килинишини таъминлаш(уланадиган Дез моддага нисбатан) «Иш бажарувчи» талабига асосан дезинфекция тадбирларини утказиш учун объектларни ёпиш жадвалини топшириш.

3.2 " **Буюртмачи** ".ва "**Иш бажарувчи** " томонидан бажарилган ишларнинг сифатсизлиги аникланса 3 (уч) кун ичида "**Иш бажарувчи** "га рекламация билдириш.

3.3 Кабристон худудига ишлов бериш учун уз вактида ва сифатли тайёрлаш.

3.4 Хураклар куйиш учун зарур булган мосламаларни тайёрлаш.

3.5 Дератизация утказувчи шахслар учун ишлашга кулай шароит яратиб бериш.

3.6 Барча кабристон худудига тегишли жойларга ишлов беришни таминлаш, уларни ёритиш электр хавфсизлигини таъминлаш. Кабристон худудини дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишларни амалга ошириш ва бошка техник хавфсизликни ва мехнатни мухофаза килиш шароитини таъминлаш.

3.7"**Иш бажарувчи**" профилактик дезинфекция ишларини олиб боришда Узбекистон Республикаси С С Вазирлиги томонидан рухсат этилган Дез моддаларни куллашни.

3.8 Рухсат этилган ва амалиётда кулланилаётган ташкилий ва методик курсатма ва йурикномаларга асосан ишлаш.

3.9 " **Буюртмачи** ".га ишлаётган Дезмоддалар хакидаги эхтиёт чораларини тушинтириш.

3.10 **“ Буюртмачи ”** объектга кемирувчи ва хашоратларнинг кириб келишининголдини олишлик максадида профилактик текширув ва ишлов беришни.

**3.11 “ Буюртмачи ”** томондан билдирилган рекламациядан сунг уч кун ичида “Иш бажарувчи” уз хисобидан ишларни кайта бажариб бериш.

## 4. Форс-Мажор холатлар

4.1 Томонлар уз иш вазифаларини бажариш жараёнида бирор бир тиббий ходиса руй берган такдирда Узбекистон Республикасининг бирор фавкулотдаги холат масаласи чакирилган фармон ва низомлари эълон килинганда, корхонада бирор ички авариялар булган холатларда ва шуларни бартараф этишда сарфланган кунлар хисобига вазифани бажариш шу кунга узайтиришни эътиборга олинади.

4.2 Агар Форс-Мажор 60-кундан зиёд давом этган такдирда томонлардан хар бири шартномада курсатилган мажбуриятларни бажаришни рад этиши мумкин.Бу холда томонлар бажарилган мажбурятлар буйича узаро хисоб- китоб килишлари керак.

4.3 Форс-Мажор холати натижасида бир томонда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш мумкин булмаса киска муддат ичида иккинчи томонни форс-мажор холати пайдо булганлиги тугрисида хабардор килинади.

4.4 Форс- Мажор холатини тасдикланиши учун томонлар урнатган тартибда ваколатга эга булган давлат идораларидан керакли хужжатларни такдим этадилар.

4.5 Форс-Мажор пайдо булган холатда хар бир томон курган зарарлари учун факат узи жа

## 5. Томонларнинг моддий жавобгарлиги

5.1 “ Буюртмачи ” «Иш бажарувчи» билан хар ойида бажарилган иш хажмига асосан тузилган Солиштирма далолатномага асосан туловни 10 кун муддат ичида амалга оширади, сунг кечиктирилган хар бир кун учун 0,4%миклорида жарима (пеня) тулайди.

5.2 **“Иш бажарувчи” « Буюртмачи»** томондан пул утказиб берилган кундан бошлаб 10 кун ичида ишни бажармаса хар бир кечиктирилган кун учун 0,4 % микдорида пеня тулайди.

5.3 Тарафлар пеня микдорини асосий карзнинг 50% дан ошмаган холда амалга оширадилар.

5.4 Тарафларнинг ушбу шартномада кузда тутилмаган бошка моддий жавобгарлиги Узбекистон Республикаси Фукоролик кодекс ива Узбекистон Республикаси Хужалик юритувчи субъектлар фааолиятининг шартномавий –хукукий базаси тугрисидаги конун билан тартибга солинади.

## 6. Шартноманинг бошка шартлари

6.1 Тарафлар уртасидаги низолар узаро хал килинади,агарда узаро хал этилмаса Фаргона Вилоят Иктисодий суди оркали хал этилади.

6.2 Шартнома бир йил муддатга тузилади,агар томонларнинг бирортаси шартнома тугатилган ёки узайтириш хакида 1 (бир ) ой олдин хабар килмаса шартнома яна бир йил узайтирилган саналади.

6.3 Шартнома томонларнинг имзоланган кунидан бошлаб кучга киради.

6.4 Шартнома икки нусхада тузилиб бир нусхаси « Иш бажарувчи» да иккинчи нусхаси эса «Буюртмачи»да сакланади.

6.5 Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошкармаси (булимии)дан руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

6.6 Ушбу шартнома газначилик булимии томонидан руйхатдан утказилган кундан бошлаб юридик кучга кириб,икки хусхада тузилиб бир хил кучга эга.

Шартнома 22_06_2022 йилдан 31._12_2022йилгача амал килади.

### Томонларнинг хукукий манзиллари ва реквизитлари:

**Иш бажарувчи:**
«Дезинфекция станцияси»
Яйпан шахар Туркистон 117 уй
Универсал банк Кукон фил
Х/р: 20210000400223321001
ИНН:200188385
МФО 00973 тел:911380883
Рахбар: ______ А.Отакулов

**Хукукшунос:** ______ **Х Косимов**

**Буюртмачи:**
**Узбекистон туман Ободонлаштириш бошкармаси** _
А Набоп да.
Бюджетдан маблаг олувчи СТИР: 201189280
ОКОНХ: 1000022860262090694001100001.
Газначилик булинмаси номи: Узбекистон тумани
Молия Вазирлиги Газначилиги_
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш ХККМ
х/р23402000300100001010
ИНН:201122919
МФО: 00014
**Рахбар:** ______ Ф.Мурадов

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: E0**703138618

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 639 15 38,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t.yurmarkaz@adliya.uz

2022 yil 22 iyun.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning mazmuni: Budjetdan mablag' oluvchi muassasalarga dezinfektsiya, dezinsektsiya va deratizatsiya xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha.

3. Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tuman Obodonlashtirish boshqarmasi.

4. Loyiha 20.06.2022-yil kuni ishlab chiqilgan va shu kuni markazga taqdim etilgan.

Loyiha O'zbekiston tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va "O'zbekiston tuman Dezinfektsiya stantsiyasi" o'rtasida Obodonlashtirish boshqarmasiga qarashli qabristonlar hududlaridagi xonaqa va xovlilarni sanitariya qurilmalarini, xududlarni binolar qurilmagan qismlarini dezinfektsiya, dezinsektsiya va deratizatsiya qilish bilan bog'liq umumiy qiymati 8 986 590 (sakkiz million to'qqiz yuz sakson olti ming besh yuz to'qson) so'mlik pullik xizmatlar ko'rsatilishi yuzasidan ishlab chiqilgan.

Loyihada tomonlarning majburiyatlari, to'lovlarni amalga oshirish va nizolarni hal etish tartiblari, shartnomani amal qilish muddatlari belgilangan.

O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yil kungi Davlat xaridlari to'g'risidagi O'RQ 684-sonli qonunining 56-63 moddalarida davlat buyurtmachilari tomonidan eng yaxshi takliflarni tanlash vositasi orqali shartnomalar tuzish mumkinligi ko'rsatib o'tilgan.

Yuqorida bayon etilganlarga asosan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.06.2021-yil kungi PQ-5168 sonli qaroriga qo'llanib,-

**XULOSA QILAMAN:**

O'zbekiston tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va "O'zbektiston tuman Dezinfektsiya stantsiyasi" o'rtasida dezinfektsiya, dezinsektsiya va dezartizatsiya xizmatlari ko'rsatish bo'yicha ishlab chiqilgan shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq deb hisoblanadi.

**O'zbekiston tuman YXKM**

**bosh yuriskonsul'ti** **M.Utanov**

"Тасдиқлайман"
Узбекистон туман Ободонлаштириш бошкармаси
бошлиги: __________ Ф Муратов
(имзо)

Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошкармасига 2022-йил харажатлар сметасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш ҳамда товар, иш ва хизматлар сотиб олиш мақсадида энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш ишчи гурухининг

Йиғилиш баёни № 5

22,06,2022й

Ўзбекистон тумани

Йиғилишда ишчи гурухининг қуйидаги аъзолари катнашдилар:

Раислик қилувчи : Узбекистон туман Ободонлаштириш бошкармаси бошлиги Ф Муратов

Аъзолари :
Мухандис Ш Камолов

Техника Хавфсизлиги Ш Камолов
Участка бригадири М Хамрокулов

Техник назоратчи Б Долматов

**Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:**

Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошкармасига карашли Кабристонларни дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишларини олиб бориш учун 13.06.2022 йилда etender.uzex.uz дастурида 221100121004596 сонли лот оркали дезинфекция, десинсекция, дератизция ишлари , жами **8,990,190.00** сўмлик кабристонларни дезинфекция ишларини олиб бориш учун жойлаштирилган.

**Йиғилиш карори:**

Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги "давлат харидлари тўғрисида" ги ЎРҚ 684 сонли қонунининг 62-моддасида кўрсатилган тартибда

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Юқоридаги тартиблар бўйича ушбу лотнинг мухокама даврида шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли "Узбекистон туман дезинфекция станцияси"билан икки томонлама шартнома тузиш мақсадга мувофиқ этиб белгиланди.

Раислик қилувчи : _______________ **Ф Муратов**

Аъзолари : _______________ **Ш Камолов**

_______________ **Ш Камолов**

_______________ **М Хамрокулов**

_______________ **Б Долматов**